

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2025 йил апрель ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматов, Б.Ашурматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Мамаджонов, судланувчи Э.Ғоппоров ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Абдуллаевнинг иштирокида, Ғоппоров Элназар Имомназар ўғлига оид 1-1607-2501/37-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ғоппоров Элназар Имомназар ўғли (G'opporov Elnazar Imomnazar o'g'li) - 1994 йил 7 апрель куни Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тўрақўрғон тумани, “Янгихаёт” МФЙ, Шаханд кўчаси, 19-уйда яшайди, тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокарасини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Э.Ғоппоров ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, интернет саҳифаларида жойлаштирилган турли ғоявий зарарли материалларни томоша қилиб, улардан руҳланиб, ўзига тегишли “Vivo Y31” русумли, уяли алоқа воситаси ёрдамида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, “Telegram”, “YouTube”, “Instagram”, “Whatsapp” ижтимоий тармоқларига аъзо бўлиб, ўзига “elnazar 1994” номли профиль очиб, Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган “Абдуллох домла”, “Рашод қори” домлаларининг турли диний мазмундаги материалларини тинглаб келиб, ушбу профили орқали 2024 йил 8 сентябрь куни “Instagram” ижтимоий тармоғида “elnazar 1994” номли профилидан ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган “Абдуллох Бухорий”га тегишли “4_586525284030113548.mp4” номли видеолавҳани ўзининг танишига тарқатган.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 08 ноябрдаги ИГ-608-сонли хулосасига кўра, Э.Ғоппоровга тегишли экани кўрсатилган материаллар экспертиза тадқиқотидан



Ўтказилганда, материалларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллашга, сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилувчи ғоялар, миллий ёки диний адоват кўзғатувчи, чорловчи даъватлар мавжуд эмаслиги, экстремизм, сепаратизм ғоялари билан йўғрилмагани ҳамда тарғиб қилувчи ғоялар мавжуд эмаслиги, **“Абдуллох Бухорий”га тегишли “4_586525284030113548.mp4” номли видеодаги маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилгани ва ақидапарастликни тарғиб қилиши аниқланган.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги АОКАнинг маълумотномасига кўра, “Мессенжер” фойдаланувчиларнинг онлайн режимда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали матн, аудио, аудиовизуал ва бошқа хабарлар, материаллар алмашиш, тарқатиш ва узатиш, шунингдек, улар ўртасидаги масофадан мулоқот учун мўлжалланган дастур, мобил илова ёки веб хизмат ҳисобланади.

Судланувчи Э.Ғопоров суд муҳокамасида, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ўзига тегишли “Vivo Y31” русумли уяли телефон апаратидан фойдаланиб, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали “Instagram” ижтимоий тармоғига аъзо бўлгани, ўзига “elnazar 1994” номли профиль очиб, ҳақиқатда ўзининг профилидан 2024 йилда сентябрь ойида таниши Солмонов Содиқжоннинг профилига “Абдуллох Бухорий”, “Рашод қори”га тегишли, номли диний видеолавҳани ташлагани тўғрилиги, 2024 йилнинг 6 ноябрь куни туман ИИБ ходимлари уни ИИБга чақириб, у билан суҳбат ўтказиб, уяли телефонини кўздан кечиришганларида “sodiq202410” номли профилига 2024 йил 8 сентябрь куни “Абдуллох Бухорий”га тегишли видеоматериал, 2024 йил 17 сентябрь куни қирғизистонлик “Рашод қори Камалов”га тегишли видео файл, 2024 йил 19 сентябрь куни 59 сонияли видео файл, 2024 йил 20 сентябрь куни соат 14:27 да хажми 4.0 МБ давомийлиги 56 сонияли номли видео файлларни юборгани, унда ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганини тушунмагани, агарда билганида уларни юбормаган бўлишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қаттиқ афсусда эканлигини билдириб, суддан ўзига қонуний енгиллик сўради.

Гувоҳ А.Жўраев суд муҳокамасида, 2024 йил 7 ноябрь куни ИИБ ходимлари бир фуқарони телефон апаратини текшириб кўришда холис бўлиб иштирок этишини илтимос қилишгани, ҳақиқатдан ҳам фуқаро Ғопоров Элназар Имомназар ўғли фойдаланувида бўлган “Vivo Y31” русумли телефон апарати кўздан кечирилганда, телефон апарати орқали жаҳон интернет тармоғининг “Instagram” мессенжери



мавжудлиги, “Instagram” ижтимоий тармоғига “elnazar 1994” номи қўйиб профил очгани, шундан буён ушбу профилдан фойдалангани, Интернетда турли хил маъруза ва видеоларни кўриб, ўзини танишларига тарқатиб тургани, шунингдек “Instagram” ижтимоий тармоғида “elnazar1994” номли профил фойдаланувчиси “sodiq202410” номли профил эгасига 2024 йил 8 сентябрь куни Абдуллох Бухорийга тегишли видеомаруза, 2024 йил 17 сентябрь куни “Рашод қори”га тегишли видео файл, 2024 йил 19 сентябрь куни 59 сонияли видео файл, 2024 йил 20 сентябрь куни 56 сониядан иборат видео файлларни юборганлиги аниқланганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Абдуқаххоров суд муҳокамасида, 2024 йилнинг 7 ноябрь куни ходимлар томонидан унинг иштирокида Э.Ғоппоровнинг Интернет жаҳон ахборот тармоқларидаги профилларини кўздан кечириш давомида “Instagram” ижтимоий тармоғидаги “elnazar 1994” номли профилида 351 та обуначилари борлиги, 107 нафар виртуал дўстлари билан ёзишмалар олиб борганлиги, шу ёзишмалари орасида Тўрақўрғон туманида яшовчи Солмонов Содикжон Солижон ўғлининг “sodiq202410” номли профилига 2024 йил 8 сентябрь куни Абдуллох Бухорийга тегишли видеомарузани ва бир нечта диний мазмундаги материалларни Э.Ғоппоров юборганлиги аниқлангани, Э.Ғоппоров томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, Абдуллох Бухорийга тегишли видеомарузани тарқатганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Судланувчи Э.Ғоппоровнинг жиноят содир этганликдаги айби, билдирги, телефон аппарати хотираси, интернет ижтимоий тармоғидаги профилларни кўздан кўздан кечириш баённомалари ҳамда фотосуратлар, судга оид диншунослик экспертиза хулосаси, ашёвий далил ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.

Судланувчи Э.Ғоппоров томонидан Наманган вилояти прокурорига 2025 йил 11 февралда ўз ҳаракатларининг моҳиятини, ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етганлиги, илтимосномани ҳимоячи билан ўзаро маслаҳатлашиб, ихтиёрий равишда бераётганлиги, тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслиги, ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлиги, дастлабки терговга кўмаклашиши, жиноятга алоқадор маълумотларни тақдим этишини баён қилиб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш юзасидан илтимоснома тақдим этилган.

Наманган вилояти прокурори ўринбосари томонидан 2025 йил 12 февралда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчи Э.Ғоппоровнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, ЖПКнинг 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлиги инobatга олиниб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган.



Судланувчи Э.Ғопоровнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки у ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб тарқатган.

Суд, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, судланувчи Э.Ғопоров, давлат айбловчиси ва ҳимоячи М.Абдуллаевнинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишда судланувчи Э.Ғопоровнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, ЖПК 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, Э.Ғопоров ўз ҳаракатини моҳияти ва оқибатини англаб етиб, келишувни ихтиёрий равишда тузгани ва уни қўллаб-қувватлашини ҳамда у томонидан содир этилган жиноят оғир жиноятлар туркумига киришини инобатга олиб, келишувни тасдиқлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши;

11-бандида ЖК 57²-моддасига мувофиқ, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноят бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (моддаси қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу



моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд Э.Ғоппоровга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят оғир жиноятлар туркумига кирса-да, айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини ЖК 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖК 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноят иши бўйича айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилганлиги ҳамда жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган у ёки бу сабаб билан (ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан, касалхонада тиббий муолажа (ёрдам) олиш вақтдан ташқари) уй жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони яшаш манзилида ўташини белгилашни, туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, жаҳон интернет тармоғига уланмаслик ва кирмаслик, жаҳон интернет тармоғига уланиб ва кирувчи шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби қўшимча тақиқлар қўйишни лозим топади.

Суд ашёвий далил масаласини ҳал қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган Э.Ғоппоровга тегишли, жиноят ишига қўшилган бир дона “Vivo Y31” русумли IMEI-1:863195058377015 IMEI-2:863195058377007 серияли телефон апаратининг хотира картаси тегишли тартибда тозаланиб, уяли телефон алоқа воситасини давлат фойдасига мусодара қилишни, мазкур уяли телефон алоқа воситаси тегишли тартибда баҳолатиш вазифасини мажбурий ижро бюроси Тўрақўрғон туман бўлимига юклатишни;

- 2 дона “DVD+R” диск жиноят иши ҳужжатлари билан сақланаётганини;

Э.Ғоппоровга тегишли “Instagram” ижтимоий тармоғидаги “elnazar 1994” номли профилни блоклаш масаласини ижроси Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига юклатишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 586⁷-586⁸, 586¹⁰-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Ғоппоров Элназар Имомназар ўғли билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Судланувчи Ғоппоров Элназар Имомназар ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Э.Ғоппоровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 57²-моддаси тартибида уй-жойини у ёки бу сабаб билан (ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан, касалхонада тиббий муолажа (ёрдам) олиш вақтдан ташқари) уй жойидан чиқишни чеклашдан иборат 2 (икки) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Э.Ғоппоровга озодликни чеклаш жазосини Тўрақўрғон тумани, “Янгихаёт” МФЙ, Шаханд кўчаси, 19-уйда ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар юклатилсин:

жаҳон интернет тармоғига уланмаслик ва кирмаслик, жаҳон интернет тармоғига уланиб ва кирувчи шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

Тўрақўрғон тумани ИИБнинг рухсатисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Э.Ғоппоров жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ижросини назорат қилиш Тўрақўрғон тумани ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Э.Ғоппоров Тўрақўрғон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Э.Ғоппоровга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашөвий далил деб эътироф этилган Э.Ғоппоровга тегишли, жиноят ишига қўшилган бир дона “Vivo Y31” русумли IMEI-1:863195058377015 IMEI-2:863195058377007 серия рақамли телефон аппаратининг хотира картаси тегишли тартибда тозалансин ва уяли телефон алоқа воситаси давлат фойдасига мусодара қилинсин, мазкур уяли телефон алоқа воситаси тегишли тартибда баҳолатиш вазифаси мажбурий ижро бюроси Тўрақўрғон туман бўлимига юклатилсин;

- 2 дона “DVD+R” диск жиноят иши ҳужжатлари билан сақлансин.



Э.Ғоппоровга тегишли “Instagram” ижтимоий тармоғидаги “elnazar 1994” номли профилни блоклаш масаласини ижроси Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига юклатилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича
Тўрақўрғон туман судининг раиси

М.Рузиматов

